
РУС ТИЛИ ва АДАБИЁТИ ТЎГАРАГИ ФАОЛИЯТИДАН

11-мактабда рус тили ва адабиёти тўғараги аъзолари "Мы изучаем русский язык" тадбирини ташкиллашди. Тадбирни мактаб директори З.Набиев очиб, ҳорижий тилларни ўрганиш, яхши билиш, келажакда зарур бўлишини таъкидлаб ўтди. Ўқувчилар тадбирни рус шоири С.Есениннинг ҳикматли сўзлари, портрет ва китоблари билан безатиб, рус тилида равон олиб бордилар. Даврада ўқувчилар шоир ҳаёти ва шеърларидан намуналар ёд айтиб, русча куй-қўшиқларга рақсга тушиб, олқишландилар. Тадбирнинг мазмунли бўлишига мактаб рус тили фани ўқитувчиси Роҳилахон Мамарасулованинг ўқувчиларга тўғарак машғулотларини яхши ўтаётганлигининг яққол кўриниши бўлди. Тадбир якунида бир гуруҳ фаол ўқувчи-ёшлар мактаб маъмуриятининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-04-12 17:16:08